



ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ

Авлияқулов Суннатулла Холмурод ўғли

ИИВ Академияси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7189868>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 01st October 2022

Online: 12th October 2022

KEY WORDS

чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши фаолияти, фуқароликни қабул қилиш шартлари

ABSTRACT

Ўзбекистон Республикасида қонуний асосда яшаб келаётган, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилганлиги. Фуқаролик институти асосида давлат ва шахснинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбурияти орқали муносабатга кириши намоён бўлди. Юртимизда фуқаросизликни тугатишга қаратилган чора тадбирлари баҳоланди.

Мустақил Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегиясининг ижроси доирасида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, асосий эътибор фуқаросизликни камайтиришга, фуқароликка қабул қилиш асослари ва шартларини либераллаштиришга, шахсни фуқароликка мансуб деб топишга доир ишларни юритиш тартиби соддалаштирилмоқда. Мамлакатимизда фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, 1991 йилдан 2016 йил декабргача 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2017 йилда — 1064 нафар, 2018 йилда — 2760 нафар, 2019 йилда — 6318 нафар, 2020 йилда — 8310 нафар, 2021 йилда эса, 4084 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул

қилинди[1]. Бундан ташқари, 1995 йил 1 январига қадар Ўзбекистонда яшаб келган 50 минг нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинди[2].

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги (2020), “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги (2021) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2020), “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларни кўриб чиқишнинг янгиланган тартибини белгилаш



тўғрисида”ги (2021) фармонлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг 22-24 февраль куни Женева шаҳрида ўз ишини бошлаган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида ушбу Кенгашга аъзо давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди”.

Ўзбекистон Республикаси илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси сифатида 2021 йил 1 январдан ўз вазифаларини бажаришга киришди, мазкур Сегмент БМТга аъзо мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари бўйича умумий ва ўзаро мутаносиб ёндашувларини ишлаб чиқиш ва келишиб олиш механизми сифатида тузилган.

Ўзбекистон Президенти ўз чиқишида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди. “Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туради”. Шу маънода, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Ҳеч кимни эътибордан

четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, давлатимизда яшаётган фуқароларимиз билан бир қаторда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 4 июнь куни “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилинишидан асосий мақсад, Ўзбекистон Республикасида қонуний асосда ёшаб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилди. Чет эл фуқароси ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс - ким ўзи?,- деган савол туғилади. Чет эл фуқароси — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс.

Фуқаролиги бўлмаган шахс — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахслар тушунилади. Юртимизда қонуний асосда яшаб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам Ўзбекистон фуқаролари каби ҳуқуқ, эркинликлари ва мажбуриятлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.



Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига олади. И.А. Данилюкнинг фикрича, “шахснинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми” деганда — унинг конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган жамият ва давлатдаги ҳолати (мавқеи) тушунилади[3]. Демак, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари нафақат Конституция билан балки, давлат ва шахс (фуқаролар) ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи барча турдаги конституциявий ҳуқуқ манбалари (шу жумладан, қонунлар) билан белгиланар экан.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг қонуни олдида тенгдирлар[4].

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз танловига кўра ўзининг амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича жойлаштириш жойларида ёки бошқа уй-жой майдонида, шунингдек даволаш муассасаларида вақтинча яшаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаросининг

ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи картаси берилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Ўзбекистон фуқароларидан фарқли равишда айрим сиёсий ҳуқуқлардан фойдалана олмайди, яъни, Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида сайловчилар сифатида иштирок этиши мумкин эмас, давлат ҳокимияти органларига сайланиши (тайинланиши) мумкин эмас, Ўзбекистон Республикасининг референдумида, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.[4]

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мажбуриятлари ҳам келтириб ўтилган:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя этиши;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши;

– Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаши;

– атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу қонунда Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон



қонунчилигига мувофиқ республика худудига кириш (ундан чиқиш) ва унинг худудида бўлиш ҳуқуқини берувчи ҳаракатланиш ҳужжатлари берилиши ҳам кўзда тутилган.

Ушбу қонунда 1966 йилнинг 16 декабрда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пактнинг ҳамда 14 апрель 1961 йилдаги «Дипломатик алоқалар тўғрисида»ги Вена Конвенциясининг қоидалари ҳисобга олинган.

Юртимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг халқаро ҳужжатлар билан белгиланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари миллий қонунчиликда ўз ифодасини топиши натижасида, ватанимизга хориждан юқори малакали мутахассисларнинг, инвесторларнинг ҳамда сайёҳларнинг оқими ортишига сабаб бўлмоқда. Ер юзидаги барча фуқаролар, ўзлари учун ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган давлатларга туристик мақсадларда боришни лозим кўришади ҳамда ўша давлатнинг яшаш шароитлари маъқул келса, шу давлатнинг фуқаролигини олиб, доимий яшайдиган фуқаросига айланишади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қўйидаги ҳолларда олинади:

- туғилганлик бўйича;
- бола фарзандликка олинганда;
- Ўзбекистон Республикасининг

фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш натижасида.

– Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам олинishi мумкин[5].

Ҳуқуқшунос олим Дж.Х.Юлдашев “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунда фуқароликни олиш билан бир қаторда, фуқаролиги бекор қилинган шахсларнинг фуқароликни тиклашни рад этувчи асослар доирасини аниқ белгилаб қўйиш лозимлигини таъкидлайди[6].

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси “Инсон қадрини учун” тамойили асосида инсон ҳуқуқларини ишончли таъминлаш ва фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилганлиги мамлакатимизда 2022 йилни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинишида ҳам ўз аксини топди, десак муболаға бўлмайди.

Ислохотларнинг янги босқичида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда жамиятда адолатни қарор топтиришда кенг кўламли ислохотлар амалга ошириляпти.

Хусусан, 2021 йил 1 майга қадар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бериш тартибини такомиллаштириш борасидаги ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари тайёрланиб, амалда татбиқ қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасида мамлакатимизга 2005 йил 1 январга қадар келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда 15 йил давомида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат



фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирган тақдирда уларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартибини жорий қилиш назарда тутилиши белгиланган.

Яна бир муҳим масала — Олий Мажлис палаталари ҳар йили Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича ахборотини эшитиб бориш тартиби жорий этилди ҳамда юртимизда яшаётган барча жисмоний шахсларнинг

ҳуқуқ ва эркинликлари бир хилда амал қилинишига эришилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонимиз умумэтироф этилган демократик, халқаро ҳуқуқ принципларига оғишмай амал қилган ҳолда, ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида дадил қадам ташлаб борар экан, мазкур соҳаларни замон талабларига, энг асосийси, инсон манфаатларига мос равишда такомиллаштиришга қаратилган устувор аҳамият берилаётгани айти мудиодир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг 2016-2021 йиллардаги фаолиятига доир маълумотлари.
2. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида сўзлаган нутқидан. 2021 йил 22 февраль. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/22/un-human-rights>.
3. Данилюк И.А. Правовой статус личности: понятие, юридическая конструкция // Научный журнал «Известия АГУ». — 2013. — № (78). — С. 90.
4. “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 04.06.2021 йилдаги ЎРҚ-692-сон. <https://lex.uz/docs/5443899>.
5. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 13.03.2020 йилдаги ЎРҚ-610-сон. <https://lex.uz/docs/4761984>.
6. ЮЛДАШЕВ Дж.Х. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклашга доир муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3(2021) Б. 8-13.